



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
3-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 3-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:
профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:
Ф.А.Сафаров
Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:
А.Н.Холиқулов

Корректор:
С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Таҳририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМШИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудири, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудири, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

Shoira Azimovna Musayeva, Dilduza Ixomovna Usmonova "Daka-Tex" MCHJ XKning faoliyatida marketingni boshqarishni takomillashtirish	153
Музаффар Шокиржонович Ахмедов Глобаллашув шароитида бошқарувнинг мотивацион назарияларининг персонал билан ишлашдаги аҳамияти	157
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Нуриддин Эламонович Эрназаров Акциз солиғини ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш	163
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Мажит Жанызақович Бауетдинов Дебитор қарздорликни камайтириш корхоналарнинг ликвидлигини таъминлашнинг зарурий шarti сифатида	166
Тўлқин Исматулла ўғли Яҳёев Курилиш корхоналари молиявий ҳолатини рейтинг баҳолаш механизмлари.	172
Abdulaziz Abdullayevich Gulamov, Xurshidaxon Alisherovna Yegamberdiyeva Vagon parkini aniqlashda omillar tahlilida ma'lumotlar taqsimotining bir xilligini tekshirish	176
Олим Мургазаев, Гайрат Аблакулович Ибрагимов Анализ агросервисных факторов, влияющих на прибыль при производстве основных сельскохозяйственных культур	180
Илҳом Сайиткулович Очилов Кластерлар фаолиятида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили	185
Юсуф Ибрагимович Турдибеков Автотранспорт воситаларини баҳолаш хизматларининг харажат ёндашуви методикасини такомиллаштириш	191
Юлдуз Шарафиддиновна Рахмонова Инвестициявий кўчмас мулкни халқаро стандартлар асосида тан олиш масалалари	197
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Джахонгир Расулович Зайналов Инновацион ғоялар замирида турли соҳалар учун кадрлар тайёрлашни мақсад қилиб олган олий таълим	201
Хилола Фармоновна Очилова Отраслевая система подготовки кадров для индустрии туризма	206
Хилола Нематовна Очилова Олий таълим хизматларини ривожлантиришнинг ички имкониятлари таҳлили	209
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Сайдахроп Ғуломов, Мамаюнус Пардаев Кексалик – буюк неъмат, агар одам унинг қадрига етиб яшаса	215
ИБРАТЛИ БИТИКЛАР	

ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА

Джахонгир Расулович Зайналов – СамИСИ, “Молия” кафедраси мудири, и.ф.д., проф.

ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ЗАМИРИДА ТУРЛИ СОҲАЛАР УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИ МАҚСАД ҚИЛИБ ОЛГАН ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Аннотация: Ушбу илмий публицистик мақолада профессор-ўқитувчиларнинг ёш мутахассисларни тайёрлашдаги роли, истиқболда олий таълим бигирувчиларини ўз касб йўналишидан келиб чиқиб ишга жойлаштиришлари, ёшларни нафақат илмий билимларга бўлган кўникмалари, балки бир вақтнинг ўзида маънавий-маърифий кўникмаларга эга бўлган, хориж тажрибаларини ўрганиш орқали ўзининг илмий интилишларини қандай ташкил этилиши, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти, ўн йиллаб тўшпаган илмий-ҳаётий тажрибаларини талаба тайёрлашдаги аҳамияти, талабаларимизни глобал миқёсдаги ҳаракатининг энг беозор кўриниши ўқитувчи нутқида ва фикрлаш тарзида, устимиздаги кийимлар ва ёшлар тарбиясида уларга бўлган муносабатларда ўз аксини топиш билан боғлиқ масалалар, шунингдек ёш талабалар тарбиясига хавф солиши мумкин бўлган хатарларга қарши тинмай бардош бера оладиган ёш мутахассисларни тайёрлаш билан боғлиқ илмий ва тарбиявий қарашлар ёритилган.

Калит сўзлар: илмий кўникма, илмий салоҳият, инновация, ислохот, тарбия, маънавият, маърифат, мулоқот, фидоий профессор-ўқитувчи, илмий-ўқув алоқалар, парадигма.

Кириш. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти аввало ўз мамлакатининг иқтисодий тараққиётини чуқур билиш асосида билим ва фан салоҳиятига эга иқтидорли талабаларни тайёрлаш, аввало улар томонидан ихтиролар ҳамда уларни амалиётга жорий этиш, дунё ижтимоий-иқтисодий масалаларига кенг қамровли дунёқарашга эга бўлган талабаларни етиштириш орқали таъминланиши мумкин. Буларни ҳар қандай давлатнинг ёш-кексаси англаб етиши, ўз кундалик ҳаётининг таомилига айлантириш ўз келажагини таъмин этиш билан баробардир.

Ижтимоий-иқтисодий ўсиш, инновацион тараққиёт – жамиятимизнинг танаси бўлса, билим етуклиги унинг ақли ва жонидир. Ўзимизни йирик саноати ривожланган ўттизталик ва ундан юқори давлатлар қаторида кўриш билан фахрланадиган ва келажак тараққиётга ишонадиган олий маълумотли ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш ҳар бир олий ўқув юртининг шонли ва шарафли мақсадидир. Бундай мақсадга эришишда фидоий профессор-ўқитувчилар илм-фан соҳасидаги билимларини ўрганиш ва улардан олган билимларини истиқболда фойдаланиш жамиятимиз ва унинг тараққиётини таъминлашда жуда аҳамиятлидир.

Бинобарин, олий ўқув юртларида ташкил этилган таълим ва тарбия тизимида банд бўлган профессор-ўқитувчилар иқтисодий тараққиётимиз ривожининг ўзига хос босқичида фаолият кўрсатиб келиши уларда фидоийлик ҳиссининг мужассамлашганлигидан далолат беради.

Энг муҳими, Ватанга юксак муҳаббат, уни доимо ривожини кўриш истаги, Ватан тараққиёти йўлида тенгсиз меҳнат қилиш уларнинг илмий фаолиятида теран ифодасини топган десак муболаға бўлмайди.

Ҳа, Ватан ва Ватан тараққиёти юксак мақсад эканлигини ҳис этган ҳар бир олим ундан айрилишни катта йўқотиш деб билишлари бежиз эмас.

Олимнинг тириклиги – бу ёшларга замонавий фан янгиликларига таянган ҳолда таълим беришдир. Дарҳақиқат, олимнинг етук босқичларга кўтарилиши, билимли шогирдларни тайёрлаш орқали ижтимоий-иқтисодий тараққиётни инновацион ғоялар асосида ривожланишини таъминлаш бу унинг тириклигидир. Шу боис уларни ардоқлаш ҳар бир ёшнинг буюк вазифасидир. Олмни ардоқлаш – бу Ватанни, ота-онани севиш ва барчани ҳурмат-иззат қилишдан далолатдир.

Бир сўз билан айтганда, олий таълим муассасасида тизим бошқарувини, шу давр

муҳитидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ислоҳ қилиш ва аҳоли фаровонлигини ошириш орқали, умуман жамиятни янги тараққиёт босқичига, яъни инновацион босқичига олиб чиқишни ҳам мақсад қилиб қўйган профессор-ўқитувчилар ва аниқ амалий тадбирларни ўзида мужассамлаштиришда, амалга ошириш бош-қош бўлиб келаётгани барчага аён. Шундай экан, олий таълим муассасалари жаҳон цивилизациясида ниҳоятда катта роль ўйнаган ҳолда Республикамиз олий таълим муассасалари улкан тарихий бир ўлкада шарқона турмуш тарзини сақлаган ҳолда уни Шарқ ва Ғарб фан ва таълим тараққиёти натижалари билан бойитишни кўзлаган ҳамда янгича ғоялар билан суғорилган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни вужудга келтириш усуллари изловчи ва шу шароитда ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлида курашга киришганини кўрсатувчи сертармоқ ва мураккаб нарсаларни ўзида ифода этмоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Янги Ўзбекистон шароитида мамлакатимизда инновацион ғоялар замирида турли соҳалар учун кадрлар тайёрлашга жуда катта эътибор бериб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони [1], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони [2], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6107-сон Фармони [3], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони [4], 2018 йил 27 июнда “Ёшлар-кеलाжамиз” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сонли Фармони [5], 2022 йил 18 июлда қабул қилинган “Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида хотин-қизларнинг таълим олишларини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-323-сон қарорларида [6] инновацион ғоялар замирида турли соҳалар учун сифатли кадрларни тайёрлашга сифатли таълим хизматларига нисбатан иқтисодчи олимлар [7, 8, 9, 10] томонидан аҳамиятли тадқиқот ишларининг амалга ошириб келаётган бўлсаларда, Янги Ўзбекистонга мос стратегияга хос ва бевосита инновацион ғоялар билан суғорилган кадрларни тайёрлаш, уларни турли соҳаларни инновацион ривожланишини таъминлашга жалб этиш зарурияти билан боғлиқ масалалар деярли ёритилмаган. Шу жиҳатдан мазкур илмий мақола ўта долзарб масалалар ечимига бағишланган. Шунингдек, мазкур ҳолатлар илмий мавзунинг мақсад ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилди десак муболаға бўлмайди.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида анализ ва синтез, комплекс таҳлил ҳамда қийсий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирда ҳар бир олий ўқув юрти фан ва билим соҳасида истиқлолга эришишни нафақат сиёсий асосларини, балки унинг ижтимоий-иқтисодий омилларини ҳам теран англаб олган ҳолда ўз фаолиятларини ташкил этиб келмоқдалар. Шу вақтга қадар таълим доирасида ўқув ва илмий тадқиқот жараёнлари ҳақидаги қарашлар аксар ҳолларда талабаларнинг фанлардан ўзлаштириш даражаси ўз касби бўйича ишга жойлашганлар юқори бағоланган бўлса, ҳозирда эса талабаларни дарслардаги давомати, талабаларнинг илмий танловлардаги иштироки, улар томонидан тайёрланган ва чоп этилган илмий мақолаларига алоҳида эътибор бериб келиниши кўзга ташланиб қолган. Шу вақтга қадар олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчиларнинг билим ва салоҳиятини баҳоловчи мезонлар ишлаб чиқилмаган, турли таълим йўналишларида бажарилаётган илмий тадқиқот ишларини синергетик самарадорлигини баҳолаш, сўнг ҳа бир хулосага келган ҳолда профессор-ўқитувчиларнинг фаолиятидаги илмий фаоллигини баҳолаш ўрнига, улар фаолиятининг фақат тарбиявий томонларига эътибор қаратилиб келинмоқда. Талабалар ота-оналарининг ўз фарзандини маънавий-маърифий тарбиялашдаги фаолиятида эса узилишлар юзага келмоқда. Фарзандим ўқишга кирдим, унинг тарбиясини ҳам ўқитув-

чилар ўз зиммасига олсин деб фикрлайдиган ота-оналар йил сайин ошиб бормоқда.

Уларнинг иқтисодий-ижтимоий жараёнларга нисбатан қарашлари ҳамда таълимотлари эса таълим соҳасида банд бўлган профессор-ўқитувчиларнинг фаолиятида узилишларни юзага келтириб чиқармоқда. Илм ва фан устида кўпроқ банд бўлиш билан бирга талаба тарбиясига ҳам жалб этиб келинмоқда.

Айтиш жоизки, талаба тарбияси жуда қимматли жараёндир, талабанинг ота-онаси берган тарбия хусусиятлари ҳақида ахборотга эга бўлмаган профессор-ўқитувчи ўз фарзандини тарбиялагани каби бошқанинг фарзандини тарбиялашда ожизлик қилиши ҳақиқатдир. Бундай масаланинг ечими учун ўқитувчи – ота-она – талаба тарбияси тузимини шакллантириш ҳам талаб этилади.

Агар институт профессор-ўқитувчилар таркибига бир назар ташлайдиган бўлсак, унда жами профессор-ўқитувчиларнинг 60-65 фоиз ёш ўқитувчиларга тўғри келмоқда, уларнинг 20 фоизи эса оила қуришга улгурмаган ўқитувчилардир. Улар ўзига тенгдош бўлган талабаларга қандай тартибда тарбия бериши лозимлиги ҳозиргача ўрганилмаган объект бўлиб қолмоқда. Чунки ёш ўқитувчиларнинг аксарияти тарбиячи деган таълимга эга эмас.

Янги Ўзбекистон шароитида олий таълим муассасасини ривожлантириш, уларда илмий салоҳиятни мустаҳкамлаш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш, илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини оширишга эришиш таълим сифатини оширишнинг муҳим омили, уларнинг ресурс салоҳиятини ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш катта аҳамиятга эга бўлиши лозим.

Илмий асосда ўрганилган бирор бир жиддий услубий кўрсатмалар ёки тадқиқотлар мавжуд эмас.

Шу ўринда айтиш лозимки, олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар ёшларни илмга, билимга чорловчи оддий эмас, улар мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий вазиятни, халқнинг маънавий-маърифий ҳолати даражасини яхши билган таълим соҳасининг фидоийларидир, бу жараёнларнинг ижобий ва салбий томонларини чуқур таҳлил эта оладиганлардир.

Улар мамлакатимизнинг мустақиллигини тобора кучайтиришни таъминлаш, қўпмиллатли аҳолининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий тараққиёт йўлига олиб чиқиши учун биринчи навбатда халқнинг умумий маданий, маърифий ва билим савиясини давр талаблари ва имкониятларига асосланиб ривожлантириш лозимлигини тушуниб етганлардир.

Уларнинг таълим тизимини ривожлантириш, таълим ва фан ютуқларидан келиб чиқиб танлаш ва барқарорлаштириш, саноати ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганишга чақириш борасидаги фаолияти ҳам пировард натижада мустақилликни янада мустаҳкамлашга эришиш мақсадлари билан боғланган.

Олий таълимнинг профессор-ўқитувчилари фаолиятининг асосий моҳияти фан ва таълимда мавжуд қоқоқлик, тушқунлик, қарамлик ботқоқидан олиб чиқибгина қолмасдан, ютуқларга эришиш, рақобатбардош олий таълим муассасаларини барпо этиш мумкинлигини таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида таълим тизимини кенгайтириш ва уларда талабаларни ҳар томонлама билимли бўлиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилашни жиддий ошириш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтиришни тарихий аҳамияти ниҳоятда катта бўлди.

Шу сабабли доимо ўзгариб бораётган ҳозирги даврда таълим тизими эҳтиёжларини тўлиқ ҳисобга олиш имкониятига эга бўлган инновацион ечимларни топиш талаб этилади. Ҳар бир олий ўқув юрти талабасига алоҳида ёндошиш, унинг шахсини, ҳуқуқларини ҳурмат қилиш олий таълим муассасаларининг асосий мақсадлари бўлиши ҳам керак. Бу тизимда таҳсил олаётган талабаларнинг истиқболли ҳаёти нуқтаи назаридан уларни ўқитиш, уларда замонавий илмий-амалий кўникмалар ҳосил қилиш, ўзи танлаган таълим йўналиши бўйича ишга жойлашишини жуда муҳимлиги амалда исботланиб келинмоқда.

Ҳар қандай ислохотни натижавийлигига гувоҳ бўлиш учун сабр керак бўлади. Сабр

кичик давлатни давлатга, йирик давлатни эса ислоҳ этишга қодир. Чунки олий таълим инсон фаолиятининг барча соҳаларига янги технологияларни яратишга, уларни жорий этишга, халқ турмуш даражасини кўтаришга муҳим шароитяратиб бермоқда. Шунинг учун ҳам саноати ривожланган давлатлар каби бизда ҳам олий таълимда тайёрланган кадрларни ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим инновацион омили сифатида қаралиши муҳимдир.

Ҳа, янги дунёвий инновацион ўзгаришлар даври Ўзбекистон олий таълим муассасаларида кадрларни тайёрлашда улкан аҳамиятга эга, зеро бугунги кунда юртимизнинг бўлғуси инновацион ривожланиши учун замин яратилмоқда. Ўзбекистондаги таълим жиҳатлари жаҳон таълим контексти билан узвий боғлиқ бўлгани боис, бутун дунёда таълим соҳасида юз бераётган жараёнлар унга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Жаҳон таълим тизимидаги цивилизациясининг ўзи эса ёш талабанинг янгича типи шаклланиши жараёнларига кўп жиҳатдан боғлиқ, зеро у таълим тизимининг ўзаги ҳисобланади.

Ўз-ўзидан маълумки, бу ерда ўзини қуршаган таълим муҳитида мўлжал олиш ва цивилизациянинг ривожланиш йўллари прогноз қилишга қодир бўлган талаба билими, унинг амалий кўникмалари, дунёқараш, илмга эга бўлиши талаба обрўси учун катта роль ўйнайди.

Талаба ва унинг фаолиятини интеграл яхлитлик сифатида тушуниш учун талай вақт талаб этилади. Қолаверса, Янги Ўзбекистон шароитида инновацион жараёнларни шиддат билан турли соҳаларга кириб келиши замон талабларига жавоб берадиган ёш талабаларга янги парадигма (ўрнатма) сифатида қараш, уларни умуминтилиш жиҳатларини ўрганиши талаб этади.

Хулоса ва таклифлар.

Ҳозирда ижтимоий тармоқлар, янгиликлар, сериаллар, ток-шоулар, смс хабарлари, компьютер ўйинлари ҳамда интернетдаги чексиз ахборот манбаларининг мавжудлиги, улардан фойдаланишда чекловларнинг йўқлиги, сўнгги йилларда таълимнинг яна бир ўзига хос тури – online ўқув тизими ва моҳияти талабалар ҳаётига кириб келди. У компьютер ва видеотехника уйғунлиги негизида шаклланган бўлиб, видеотелефонлар, электрон банклар ҳамда интернет деярли аксарият ўқитувчиларга хос бўлган айрим жиҳатларни компьютер экранларида кўрсатиш ва интернетнинг қудратли мулоқот воситасига айлантириш имконини бермоқда. Оқибатда, бевосита мулоқот ҳамда китоблар мутолааси иккинчи, учинчи, ҳатто тўртинчи даражага тушиб қолиши ҳеч гапмас. Чунки монитор ўзгача фикрлаш, мулоқот қилиш, ўқиш, илмий-амалий кўникмаларга бўлган муносабатларни юзага келтирмоқда. Қолаверса, бу ердаги мулоқот тезкорлик, қисқа ҳозиржавобликни талаб этади.

Шу боис ҳам Янги Ўзбекистон шароитида барпо этилаётган жамиятимиздаги олий ўқув юртлигини ривожлантириш Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг таъбирига кўра, олий ўқув юртлигида ёшларнинг маънавиятини, маърифатини эътиборга олган ҳолда талабаларни илмга ва фанга бўлган интилишларини алоҳида эътибор бериш ҳаётий заруриятга айланиб қолмоғи лозим.

Шу маънода инновацион ривожланиш жараёнида олий ўқув юртлигида таълимни тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш концепцион мақсад қилиб олиниши илмий билимларга эга бўлган профессор-ўқитувчилар тарбиясида бўлган, улардан билим олган ёш авлодни мукамал, нафақат илмий кўникмаларга, балки шу билан бирга юксак маънавий-маданий дунёқарашга эга бўлган баркамол авлод бўлиб етишига ҳам замин яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6107-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

5. 2018 йил 27 июнда “Ёшлар-келажагимиз” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сонли Фармони.

6. 2022 йил 18 июлда қабул қилинган “Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида хотин-қизларнинг таълим олишларини кўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-323-сон қарори.

7. Ваҳабов А.В. Олий таълим сифатини оширишнинг хорижий тажрибасидан Ўзбекистон олий таълим тизимини ислоҳ этишда фойдаланиш имкониятлари // Олий таълим сифати иқтисодий диагностикаси: жаҳон амалиёти ва миллий хусусиятлари. Респ. илм. амал. конф. матер. тўп. – Наманган, 2018 й. – 403-407 б.;

8. Ваҳабов А.В. Инсон капиталининг инвестицион самарадорлигини баҳолашнинг услубий асослари // Миллий иқтисодиёт тармоқларида олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни баҳолаш ва прогнозлаштириш. Илмий мақолалар тўплами. –Т.: Lesson Press. 2017. 5-12 б.

9. Бугунги ёшлар – мустақиллик фарзандлари: буларни замонамизга муносиб қилиб тарбиялашимиз лозим // “Сервис” илмий-амалий журнали, 2021 йил 3-сон, 5-8 б.

10. Тешабаев Т.З. Олий ўқув юртларида инновацион фаолиятни такомиллаштириш йўллари. – Тошкент: Фан ва технология. 2007. – 129 б.

<p>Дж.Зайналов</p> <p>Высшее образование, направленное на подготовку кадров для различных отраслей, основанное на инновационных идеях</p> <p>Аннотация: В данной научно-публицистической статье раскрывается роль профессорско-преподавательского состава в подготовке молодых специалистов, в будущем трудоустройстве выпускников ВУЗов по специальности, молодых людей, обладающих не только научными знаниями, но, одновременно и духовно-просветительскими навыками, знающих как реализовать свои научные стремления посредством изучения зарубежного опыта, освещается значение научного потенциала профессорско-преподавательского состава, накопленного десятилетнего научного и жизненного опыта в подготовке студентов, наиболее яркого проявления речи учителя и образа мыслей в действиях наших студентов в мировом масштабе, в форме одежды, а также вопросы, связанные с воспитанием молодежи, отношением к ней, в том числе, способность противостоять опасностям, которые могут поставить под угрозу воспитание молодых студентов, научные и воспитательные аспекты, связанные с подготовкой молодых специалистов.</p> <p>Ключевые слова: научный навык, научный потенциал, инновация, реформа, воспитание, духовность, просветительство, диалог, самоотверженный профессор-преподаватель, научно-образовательные отношения, парадигма.</p>	<p>J.Zaynalov</p> <p>Higher education aimed at training personnel for various industries, based on innovative ideas</p> <p>Abstract: This scientific and journalistic article reveals the role of the teaching staff in the training the young specialists, in the future employment of university graduates in their specialty, young people who have not only scientific knowledge, but at the same time spiritual and educational skills, who know how to realize their scientific aspirations through study a foreign experience, highlights the importance of the scientific potential the teaching staff, the accumulated ten years of scientific and life experience in the students preparation, the most vivid manifestation of the teacher's speech and way of thinking in the students actions on a global scale, in the form of clothing, as well as issues related to education young people, their attitude towards them, including the ability to withstand the dangers that may jeopardize the education of young students, the scientific and educational aspects associated with the training of young professionals.</p> <p>Keywords: scientific skill, scientific potential, innovation, reform, education, spirituality, enlightenment, dialogue, selfless professor-teacher, scientific and educational relations, paradigm.</p>
--	--

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

07.09.2023 йилда теришга берилди. 22.09.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табағи 13,6. Адади 100 нусха. Буюртма № 0074А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023